

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очик суд мажлисида,

иборат таркибда,

тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор  
ваколатини таъминлаш бўлими \_\_\_\_\_, судланувчи

2023 йил 17 январдаги ҳукмига нисбатан судланувчи М.Ҳамдамова  
томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида жиноят ишини  
апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил  
17 январдаги ҳукмига кўра:

1983 йил 3 сентябрда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида  
туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган  
олий, НДПИ 3-курс талабаси, муқаддам судланмаган, НКМК  
МКБ,7-ГМЗ ишчиси, Зарафшон шаҳар, 6-кичик туман, 13-уй,  
9-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш  
ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан  
ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда, 2 йил транспорт воситаларини  
бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини  
давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари  
жазосига судланган.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг \_\_\_\_\_

моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, \_\_\_\_\_, 2022 йил 19 ноябрь  
куни соат 11-00да бошқарувида бўлган “Лесетти” русумли, 85 N 514 НА  
давлат белгили автомашинасини Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси бўйлаб,  
вилоят ҳокимлиги биноси томондан “Восход” бозори йўналишида  
ҳаракатланиб, йўналиши бўйича “И.Каримов ва Л.Толстой” кўчалари  
кесишган чорраҳага ҳаракатланишга рухсат берувчи светофорнинг яшил



чироқ ишорасида кириб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 12.04.2022 йилдаги 172-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 103-бандида “Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёдаларга йўл бериши шарт” деб кўрсатилган бўлишига қарамадан, ушбу қоидаларга амал қилмасдан, йўналишига нисбатан ўзидан биров олдин мазкур чорраҳага Навоий давлат кончилик институти биноси томондан, яъни Л.Толстой кўчаси бўйлаб ҳаракатланишга рухсат берувчи светофорнинг яшил чироқ ишорасида кириб келиб, чорраҳадан ҳаракатини тугаллаётган фуқаро Ҳамроев Абдирайим Мавлонович бошқарувида бўлган “Дамас” русумли, 85 R 057 JA давлат белгили автомашина ҳаракатланишини тугаллашига имкон бермасдан, А.Ҳамроевнинг бошқарувидаги автомашинани ўнг ён томонига келиб тўкнашиб, йўл-улов ҳодисаси содир қилган.

Натижасида [REDACTED] бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинада бўлган [REDACTED] РСТЭИАМ Навоий филиалининг 29.11.2022 йилдаги 2380/529-сонли тиббий экспертиза хулосасига кўра, “соғлиқни бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати” ва ҳайдовчи А.Ҳамроевга 2379/528-сонли тиббий экспертиза хулосасига кўра, “ўртача оғирликдаги тан жароҳати”, ҳамда “Olimp-Baholash va Ekspertiza Markazi” МЧЖнинг 30.11.2022 йилдаги 11/009-сонли хулосасига кўра, “Дамас” русумли, 85 R 057 JA давлат белгили автомашинага 20.039.120 сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

[REDACTED] шикоятда, айблилиги хусусида баҳс юритмаган ҳолда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қилмишига тўлиқ иқрорлиги, бугунги кунда жабрланувчиларга етказилган зарарлар қопланганлиги ҳамда улар билан ярашганлиги, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан тугатишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди раиси ўринбосари [REDACTED] маърузасини, [REDACTED] келтирилган шикоятни қаноатлантириб, судланувчи ва жабрланувчиларнинг ўзаро ярашганликлари боис, [REDACTED] тайинланган жазодан озод этиш ҳақидаги, [REDACTED] ҳамда унинг адвокати [REDACTED]

[REDACTED], апелляция шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган ҳолда, томонларнинг ўзаро ярашгани боис [REDACTED] ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

[REDACTED] суд ҳукмида қайд этилган жиноятни содир этишдаги айби, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, схематик чизма ва фото жадваллар, экспертиза хулосалари, шунингдек жиноят ишида тўпланган [REDACTED] ишқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган.



\_\_\_\_\_ жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилатган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Апелляция инстанцияси судида \_\_\_\_\_ ўзи ва турмуш \_\_\_\_\_ судланувчи \_\_\_\_\_ бугунги кунда жиноят оқибатида етказилган барча зарарларни қоплаганлигини, унинг ва турмуш ўртоғи \_\_\_\_\_ нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги \_\_\_\_\_ жазодан озод этишни сўраб, бу ҳақдаги ўзининг ва турмуш ўртоғи \_\_\_\_\_ ёзма аризасини судга тақдим этди.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилганларга кўра, М.Ҳамдамованинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят оқибатида етказилган зарарларни қоплаганлигини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва у ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи маротаба содир этганини инобатга олиб, уни ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>13</sup>-497<sup>18</sup> 497<sup>26</sup>, 497<sup>30</sup>-497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 17 январдаги \_\_\_\_\_ хукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

\_\_\_\_\_ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тайинланган жазодан озод қилинсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>36</sup>, 499, 500-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

А.Шайдоев

Ҳайъат аъзолари:

А.Исоков

Б.Имомов



Нусхаси аслига тўғри,  
Маърузачи судья :

А.Шайдоев

Хужжат имзоланган: Шайдоев Абдуманнон Муратович, 18.02.2023

